



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 11 март, № 48 (7006)


Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингизга орқали сканер қилинг.



ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9-10 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.



Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодани қабул қилди.

Сўхбат чоғида 9 март кунги бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка доир барча масалалар муҳокама этилиб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди. Савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик каби соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича имзоланган ҳужжатлар юқори баҳоланди.

Мулоқотда мазкур келишувларни бажариш, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмасини кўпайтириш ва таркибини диверсификация қилиш, бизнес учун қулай муҳит яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, товар айирбошлаш ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш режаси икки мамлакат ҳукуматларига катта масъулият юклаши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорлиги ривожлантиришга тайёрлигини, бунинг учун барча зарур шароит яратилишини таъкидлади.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича

Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси сифатида ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш, қўшимча имкониятлар бўйича таклифлар тайёрлашга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Икки мамлакат ҳудудлари ва етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, транзит юк ташишни кўпайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди.

Душанбе халқаро аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кузатиб қўйди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу ташриф асносида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Абу Бақр ҲУСОЛОВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент — Душанбе — Тошкент

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзода.

Сарвар ҲУСОЛОВ ошган сурат.

ДУНЁ НИГОҲИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан бирига айланди.

«МИНТАҚАДАГИ ЙИЛ ВОҚЕАСИ»

Хориж матбуоти Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифини ана шундай баҳоламоқда.



Матбуотда чоп этилган мақолалар ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилар эканмиз, мазкур ташриф минтақамизда "йил воқеаси" мақомини блишига ишончимиз ортади. Хусусан, Россиянинг "Мир 24" телеканали катта ҳажмдаги репортаж тайёрлади. Унда, жумладан, шундай дейилади:

"Ушбу ташриф тарихий мақомга эга бўлди. Аэропортда Тожикистон Президенти Ўзбекистонлик ҳамкасбини шахсан кутиб олди. Автомобиллар кортежи юрган йўлда эса, майдалаб ёғатган ёмғирга қарамай, одамлар бир неча километрга чўзилган сафга тизилган эди. Қўллариди гуллар ва байроқлар билан улар икки давлат етакчиларини олқушладилар.

20 йил давомида тўпланиб келган масалаларни ҳал қилиш учун икки халқнинг қардошлигини чин дилдан ҳис қилиш лозим. Бир неча соат давомида давлатлар раҳбарлари деярли барча масала бўйича келишувларга эришдилар.



Хитойнинг энг йирик наشري — "Жэньминь жибао" газетасида ёзилишича, ўзаро ҳурмат, ишонч ҳамда конструктив фикр

алмашинув руҳида ўтган музокаралар Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқди.

"Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи арасида Душанбеда "Тожикистон — Ўзбекистон" ишбилармонлар кенгаши тузилиб, ташриф доирасида унинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Мазкур тадбир савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, талаб юқори бўлган саноат маҳсулотларини ўзаро етказиб бериш ҳажмини орттириш, икки томонлама савдо учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади", дея қайд этади хитойлик журналистлар.



Жанубий Кореянинг "Yonhap News" ахборот агентлигининг баён этишича, Тошкент ва Душанбе

ўзаро шериклик алоқаларини изчил ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича катъий ирода ва шижоат намойён қилмоқда.

"Олий даражадаги мулоқотларни кучайтириш борасида муҳим қадамлар қўйилдики, бу келгусида бутун Марказий Осиёда тинчлик, осойишталик, хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилади".



Озарбайжонда фаолият юритадиган "Trend" ахборот агентлиги тарқатган мақолада республикамиз раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида

ташкил этилган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" миллий маҳсулотлар кўргазмасига алоҳида эътибор қаратилди. "Ушбу бизнес анжуманида намойиш қилинган энгил, кимё, озиқ-овқат саноати, электр техникаси, автомобилсозлик маҳсулотлари, куриллиш материаллари ва ҳўнармандлик буюмлари кўргазмага Ўзбекистонлик ҳамкаси билан биргаликда ташриф буюрган Тожикистон Президенти томонидан юқори баҳоланди", дея хабар беради озарбайжонлик шарҳловчилар.



Козогистоннинг "Казинформ" ахборот агентлиги таъкидлаганидек, Душанбеда бўлиб

ўтган олий даражадаги музокаралар чоғида жами 27 та ҳужжат имзоланиб, улар турли жабҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Агентлик давлат раҳбарлари имзолаган Дўстлик ва яхши қўшилишни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон — Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномага қўшимча олиб, уларни "Тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар", дея таърифлади.



"Бугун икки томонлама муносабатларнинг ривожланишига

тўққинлик қилиши мумкин бўлган даярли ҳеч қандай муаммо қолмади". Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида фаолият юритадиган Марказий Осиё англиклар хизмати — "CA-News" ана шундай фикр билдирди. Ахборот портали Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президентига ўзи учун қулай пайтда Ўзбекистонга ташриф буюришни таклиф қилганини қайд этади. "Таклиф мамнуният билан қабул қилинди", дея ёзилади "CA-News" ахборот портали хабарига.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Ташрифнинг иккинчи кунги давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раиси Шукржон Зухуровни қабул қилди. Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сийёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам

амалий қадамлар ташланди. Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи гоят самарали кечаётгани, томонлари қизиқтирган барча масалалар бўйича яқдил келишувларга эришилгани қайд этилди. Айниқса, давлат чегараси бўйича шартнома ва фуқароларнинг ўзаро қатнови қулайлик яратишга оид битим мамлакатларимиз муносабатлари, халқларимизнинг дўстона алоқаларига замин бўлиши алоҳида таъкидланди. Автомобиль ва

темир йўлларнинг очилгани, Ишбилармонлар кенгаши тузилгани ҳам бу борада муҳим ўрин тутди. Шукржон Зухуров билан сўхбатда олий даражада имзоланган ҳужжатларни ратификация қилиш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди. Қўнун чиқарувчи органлардаги дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, ўзаро ташрифлар ва тажриба алмашувни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Президентимиз

томонларнинг ҳамкорликка оид мулоқотлари мунтазамлик касб этиши йўлида муҳим қадамлар ташланганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раисини Ўзбекистонда амалга оширилётган ислохотлар билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш учун ўртимизга таклиф қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маъруза тайёрланмоқда

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланиши эркин фуқаролик жамиятини барпо қилиш йўлидаги ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланган. Шу боис бугун кунда мазкур соҳадаги халқаро, минтақавий ва иқтисослаштирилган ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш мамлакатимиз учун долзарб масала ҳисобланади. Айни чоғда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаши билан яқин ҳамкорлик муносабатлари йўлга қўйилгани бу борада устувор аҳамиятга эгадир.

Қўйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмиталари ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида ташкил қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгашига тақдим этиладиган Учинчи Миллий маъруза юзасидан кўмиталар эшитувида шулар ҳусусида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

Экспортни кенгайтиришнинг муҳим шарти

Шу йилнинг 27 февраль кун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ташқи савдо айланмасида экспортни кўпайтириш ҳамда импортнинг улушини камайтириш масалаларига бағишланди. Рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортни оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар танқидий таҳлил қилинди ҳамда маҳаллийлаштириш дастурини ижро этишдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Хўш, бу борада мавжуд ресурс ва имкониятлардан нечоғли самарали фойдаланаямиз? Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш ҳамда мамлакатни модернизациялаш бўйича стратегияни амалга оширишга зарур бўлган валюта маблағларини жалб қилиш учун экспорт ва импорт ҳажминини оқилона мувозанатлаштириш олаёямизми?

Шубҳага ўрин йўқ

Йиғилишдан сўнг бир қатор оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда экспертлар ўз хавотирларини билдиришди. "Давлат раҳбарининг импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувват-

асосий воситаси ҳисобланади. Бу эса, экспертларнинг фикрича, экспортни кенгайтириш учун бартараф этиб бўлмайдиган тўсиқни яратади. Аслида бундай кескин талқин йиғилишда билдирилган фикрларнинг мутлақо тескариси эканлигини кўриш мумкин. Келинг, рақобатдош саноатни яратиш бўйича миллий иқтисодий модели ўз самарасини берган Сингапур ҳамда Жанубий Корея сингари давлатларнинг бу борадаги тажрибаларини олиб қарайлик.

(Давоми 2-бетда).

«Обод қишлоқ» дастури



Аввал хабар қилганимиздек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғида бошланган "Обод қишлоқ" дастури кўлами бошқа ҳудудларда ҳам бўй кўрсатмоқда. Ушбу эзгу ташаббусни Самарқанд вилоятининг энг чека аҳоли яшаш манзилларидан бири — Жом қишлоғида ҳам амалга оширишга киришилди.

Эзгу анъаналарга уйғун ташаббус

Бугун ҳудуд қиёфасини бутунлай ўзгартириш, одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, қишлоқни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чоратadbирлар рўйбга чиқарилмоқда. Одамларни ҳаётдан рози қилиш, шаҳарлардагидек яшаш шароитларини яратиш мақсадида бошланган мазкур бунёдкорлик ишларига вилоятдаги ўнлаб корхона ва ташкилотлар жалб этилган. Халқимизнинг азалий қадрияти бўлмиш умумхалқ ҳашари асосида бошлаб юборилган саъй-ҳаракатлар натижасида илк кунлардан оқиб ушбу қишлоқнинг электр таъминоти модернизация қилиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар ниҳоясига етказилди.

(Давоми 3-бетда).

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маъруза тайёрланмоқда



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Таъкидланганидек, шу пайтгача Ўзбекистон Республикаси томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгашига икки марта ба Миллий даврий маърузалар тақдим қилинган бўлиб, уларда давлатимиз қўшилган инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро ҳужжатларнинг юртимизда қандай ижро этилаётгани хусусида батафсил маълумот берилган. Мамлакатимизнинг навбатдаги Учинчи Миллий даврий маърузаси Кенгашнинг жорий йил апрель-май ойларида ўтказилиши режалаштирилган. 30-сессиясида кўриб чиқилади. У аввалиги маърузалар юзасидан БМТнинг шартномавий органлари ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш томонидан билдирилган тақлифлар асосида ишлаб чиқилиб, 60 дан ортиқ давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Беш Комиссариати ҳамда БМТнинг Ўзбекистондаги иختисослаштирилган агентликлари экспертлари кўмаги ва иштирокида тайёрланган.

Учинчи Миллий даврий маърузада инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро механизмлар ҳамда шартномавий органлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва халқаро нормаларни

қабул қилиш, хусусан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фикр, виждон ва диний эркинликларни ҳимоялаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда ролини ошириш, болалар ва ногиронлар ҳуқуқлари ҳамда миллий ҳуқуқий тизимни келгусида янада такомиллаштириш каби кўплаб масалалар қамраб олинган.

Тадбир иштирокчилари қайд этганидек, келгусида Ногиронлар тўғрисидаги, Қийноқларга қарши конвенцияларнинг факультатив протоколини ратификация қилиш, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, БМТнинг махсус механизмлари, айниқса, махсус маърузачилари ва шартномавий органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилгани Учинчи Миллий даврий ҳисоботнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТ Кенгаши томонидан юксак баҳолашига асос бўлиб хизмат қилади.

Давра суҳбати якунида Миллий даврий маърузаларни тайёрлаш сифатини яхшилаш юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза, тақлифлар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Неча йиллардан бери баҳс-мунозара мавзуси бўлиб келаётган бир муаммо бор: бу — тўй-маъракаларимиздир. Нега бу борада аниқ бир натижага эришиб бўлмаяпти? Сабаби оддий: миллий кадрятларимизга умуман тўғри келмайдиган янгидан-янги "одат"лар, тадбирлар йил сайин кўпайса кўпаймоқда, асло қамаймаяпти. Энг ёмони, бундай бемаъни одатлар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётир, оилаларнинг мустақамлигига, одамларнинг саломатлигига зарар етказмоқда.

Ҳар ишнинг меъёри яхши

Аслида халқимизда тўй-маъракаларни қариндош-уруғ, жамоатчилик иштирокида ўтказиш анъанаси узок ўтмишдан бери давом этиб келади. Шу боис ушбу маросимни ҳар жиҳатдан бекам куёт — миллий кадрятларимизга, урф-одатларимизга таяниб, юксак маънавий-бадий савияда ташкил қилиш бугуннинг талабидир.

Айни шу нуқтаи назардан Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда Республика "Нуроний" жамғармаси Ўзбекистон халқига тўй-ҳашамлар ва маъракаларни қамқар ҳамда тартибли ўтказиш бўйича мурожаат билан чиқди. Қарияларимизга, маҳалла фаолларига, дин уламоларига, хотин-қизларга, қолаверса, ёшларга йўлланган маърузаларда муҳокама қилишимиз, дабадабозликка ва шўхратпарастликка йўл қўйилаётгани сир эмас.

Тўғри, тўйлардаги исрофгарчиликларнинг олдини олиш борасида ўтган йиллар давомида кўпгина тадбирлар, тушунтириш ҳамда тарғибот ишлари олиб борилди. Бироқ гуруҳ курмасиз бўлмаганидек, айрим шахслар одамларнинг гашига тегадиган даражада тўй ва маросимларни меъёридан

ошириб юборишга ҳам бор гап. Минг афсуски, улар маҳалла билан ҳисоблашмай қўйишди. Ваҳолики, халқимиз "Маслаҳатли тўй тарқамас" дея беҳиз айтмаган. Бундай одамлар қачонки оилада жанжал чикса, пул можароси, мол-мулк тала-

жўяли фикрлар билдирилмоқда. Ортиқча исрофгарчиликлар ўрнига қурдошлари мизни мусибат етган хонадонларга ёрдам кўрсатиш, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, бева-бечораларга кўмаклашиш каби савобли ишларга рағбатлантириши-

риш ишларига қарамасдан, борган сари тўйларимизга ортиқча чиқим талаб этадиган янгича "урф-одат"лар, "оммавий маданият"га хос бемаза қилиқлар кириб келмоқда.

Ҳар йили республикамиз бўйича 250 — 300 мингта никоҳ рўйхатга олинади. Шу билан бирга, таассуфки,

моқда. Пойтахт тўйларида айнан ёшлар ўртасида учраётган "келиннавкар", "Love story" каби даҳмазалар, кўша-кўша ҳашаматли автомобиллар кортежи, одамларнинг гашига тегадиган, маънавийтимизга мутлақо зид бачкана расм-русумлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай ҳўжакўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қилмоқда, уларнинг бугунги замон талаблари даражасида билим олиш, етук мутахассис бўлиб етишиш йўлидаги интилишларини сусайтирапти. Ёшлар онгида ҳалол меҳнатга нисбатан беписанд муносабат, енгил-елпи ҳаёт, дабадабозликка интилиш каби иллатларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, таниқли санъаткорлар келишига қараб тўй-тантаналарга баҳо бериш одат тусига кирди. Айрим базмларда навбат талашаётган хонандаларни кўриб, бунга яна бир бор амин бўлаемиз.

"Ҳар ишнинг меъёри яхши", дейди доноларимиз Зеро, меъёр тартибга бошлайди, тартибнинг ҳосиласи эса ҳеч қачон ёмон бўлмаган. Бинобарин, тўй — қувончли тадбир. Ундан кутилган мақсад-муддао ҳам эзгу ва хайрлидир. Шундай экан, тўйни кўз-кўз қилиш, "кимўзар"га мусобақа майдонига айлантириш ана шу эзгу ишларни батамом ўшб қилмоқда.

Бугунги кунда айрим худудларда миллий кадрятларимизга мутлақо зид тарзда "кимўзар"га оилавий тадбирларни ўтказиётган баъзи кимсаларга эргашиб, қарзга ботиб тўй қилаётган ота-оналарнинг кўпайиб бораётгани ва оқибатда оилавий тинчи ҳамда ҳаловатини йўқотаётгани бутун жамоатчиликни ташвишга солади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан, содир бўлаётган оилавий можаролар, ажримлар, кудалар ўртасидаги соғуқчилик сабаблари ҳам аксарият ҳолларда худди шу масалага бориб тақалади.

Ташвишланарлиси шундаки, айрим шўхратпараст кимсалар тўй-ҳашамларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги "одат"ларни "урф"га кирит-

миш, уларнинг тафаккурини ўзгартиришимиз лозим. "Тўй қиламан", деб қимматли умрини пул йиғиш билан ўтказиш ўрнига ўз соғлигини тиклаш, фарзандларининг билим олиши учун шароит яратиш, оиласида кутубхона ташкил этиш, қизларнинг сепига китоблар совға қилишни ўргатишимиз афзал эмасми?! Умр бўйи йиққантерганини бир кунлик тўйга сарфлашдан нима фойда ахир?! Афсуски, жойларда олиб борилаётган тушунти-

Гавҳор АЛИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҳлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Экспортни кенгайтиришнинг муҳим шарти

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Сингапурда аввалига саноат сибсатини юритишда протекционизм, яъни маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш унсурлари (импорт квоталари сони кўпайиши) билан бир қаторда, тўғридан-тўғри инвестицияларга нисбатан либерал, бошқача айтганда, бирмунча эркин тартиб-таомиллар қўлланилган. Эътиборлиси, мамлакатда протекционизм шароитида ҳам тўлақонли валюта конвертацияси амал қилган. Мамлакат иқтисодиётининг хатто экспортга йўналтирилган даврларида ҳам (1966 — 1977 йилларда) импорт ўрнини қоплаш сибсати элементларини учратиш мумкин эди. Масалан, 72 та товар позицияси бўйича квоталар жорий этилган, импорт божи сони эса 389 тага етганди.

Жанубий Кореяда ҳам шундай давр бўлганки, маҳаллий саноатнинг ривожланиши импорт ўрнини қоплаш чора-тадбирлари билан узвий боғлиқ кечган. Хусусан, қайта ишлаш саноатини шакллантиришда ун, шакар ва пахтадан қайта ишлашга алоҳида ургу берилган. Мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим ҳамда ўзаро боғлиқ тармоқларини жадал ривожлантириш учун ҳам протекционизм чоралари қўлланилган. Ушбу чоралар давлат иқтисодиёти тўлалигича экспортга йўналтирилган пайтларда ҳам сақлаб қолинган. Бу даврда мамлакат тўқимачилик, пойабзал, ёғочни қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатларини ривожлантириш орқали рақобатда бошқалар билан қиёслаганда устунликка эга бўлди.

Шарқий Осиё давлатларидаги саноат сибсати шундан далолат берадики, импорт ўрнини қоплаш моделдан экспортни кенгайтириш сибсатига бирдангина ўтиб бўлмайди. Уларнинг ўзаро фарқини аниқ ажратиб кўрсатишнинг иложи йўқ. Бизнинг иқтисодиётимиз ҳам айнан шундай ўтиш босқичида турибди, десак, хато бўлмайди. Ҳозирги кунда протекционизм чораларисиз, импорт ўрнини қоплаш ҳамда импорт қилинувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш сибсатисиз юқори қўшилган қийматга эга саноат маҳсулотларни негизда экспортга йўналтирилган иқтисодий моделга ўтиш қарий имконсиз вазифа саналади. Ривожланаётган мамлакат эркин савдо шароитларида тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қиёсий рақобат устунлигига эришмас, бошқа тараққий топган давлат-

лар учун хом ашё манбаига айланиш ҳамда "Голланд хасталиги"га (битта товар экспортнинг кўпайиши таъсирида миллий валюта курсининг ошишига ва маҳсулотнинг импортга нисбатан рақобатдошлиги тушишига) чаллиниш хавфига дуч келади.

Маҳаллийлаштириш — амалий восита

АҚШнинг Гарвард университети профессори М. Портер 1990 йилда иқтисодий назария ишлаб чиқди. Бу назарияни Жанубий Корея биринчилардан бўлиб амалиётга жорий этди. Унга кўра, мамлакатнинг рақобатдошлиги миллий саноатнинг доимий равишда ривожланиш ҳамда инновацияларни ишлаб чиқаришга қодирли-

Ривожланаётган давлатлар иқтисодий сибсатида экспортни рағбатлантиришнинг муқобил усуллари янада кўпроқ қўлланилмоқда. Мисол учун, инфратузилмани яхшилаш, телекоммуникацияни ривожлантириш, давлат, молия ва транспорт хизматлари сифатини ошириш пировардида экспорт қилинадиган товарларнинг ички транзакцион сарфини сезиларли даражада қамайириш имконини беради.

ги билан белгиланади. Унинг негизда тўртта муҳим жиҳат, яъни меҳнат, табиий ресурслар, инфратузилма, билим, капитал сингари омилларга эга шароитлар, ички ҳамда ташқи талаб, ўзаро алоқадор (технологик жиҳатдан бири-бирини тўлдирадиган) ва кўмакдош тармоқлар (таркибий бўюмлар, яримтайёр маҳсулотлар ҳамда бошқаларни етказиб бериш) ривожланганлиги ва ички бозордаги рақобат (бу омил истикболда фирмага ташқи бозорда рақобатда устунлик беради) ётади.

Мавзу нуқтаи назаридан ушбу назариянинг охириг икки омил ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш жоиз. Жанубий Кореяда кластерларнинг шаклланишида бир-бирини технологик тўлдирадиган, алоқадор ишлаб чиқаришдаги ривожланиш омиллари аксарият ҳолларда импорт қилинадиган таркибий бўюмларни ҳамда яримтайёр маҳсулотларни маҳаллийлаштириш йўли билан таъминланган. Бу саноатни модернизациялашнинг амалий воситаси

сифатида ҳам қўлланилган. Хитойнинг эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича тажрибаси ҳам бунга аққол мисол бўла олади. Бундай зоналарда инвесторлар учун қатъий талаблар белгиланган, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича маҳаллийлаштиришнинг энг кам чегараси ўрнатилган.

Шу ўринда маҳаллийлаштириш саноат сибсатининг воситаси сифатида фақатгина ривожланаётган мамлакатларда, фақат импорт ўрнини қоплаш мақсадидагина фойдаланилмаётганини айтиш керак. Мисол учун, 2008-2009 йиллардаги глобал инқироз даврида дунёда юздан ортиқ ийрик маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилган. Улардан 14 таси АҚШда,

моти)га киришни таъминлайдиган самарали механизм ҳамдир. Президент томонидан маҳаллийлаштириш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш жараёни танқидий баҳолангани ҳам айнан юқори қўшилган қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар экспорти учун ишончли асос яратиш зарурати билан боғлиқдир.

Ички бозордаги рақобат ҳақида гап кетганда, шуни қайд этиш керакки, у кўп жиҳатдан саноатдаги таркибий муаммолар билан боғлиқ бўлиб, ташқи бозордаги рақобатга бардош бера олмайди. Шунинг учун ҳам Ҳаракатлар стратегиясида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар рақобатдошлигини ошириш учун замонавий технологияларни импорт қилишга алоҳида ургу берилган. Чунки буларсиз рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иложи йўқ. Қўшилган қиймат глобал занжирга (ёки технологик занжир) кириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш ҳам ана шундай восита-лардан бири ҳисобланади.

Сўнги бир ярим йил мобайнида янги технологияларни жорий қилиш, жумладан, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш, таълим тизимини ривожлантириш ҳамда кластерлар шаклланиши янги саноат комплексларини яратиш бўйича амалга оширилган сибсат айнан ушбу мақсадга қаратилган.

Оқилона протекционизм

Ўзбекистонда хом ашё товарларини чуқур қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот экспортни кенгайтиришга эътибор тобора кучайтирилмоқда. БМТ томонидан қўлланиладиган Бош имтиёзлар тизимидан фарқ қиладиган миллий тариф имтиёзлари тизими жорий этилган. Мамлакатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатлари йўлида аксарият импорт қилинадиган тайёр маҳсулотларга нисбатан юқори бож тўловлари ўрнатилган. Бу амалдаги савдо режими ҳимоя хусусиятига эга эканлигидан далолат беради. Бундай механизм дунёнинг кўплаб мамлакатлари томонидан қўлланилади. Масалан, АҚШда саноат товарлари бозорини ҳимоя қилиш мақсадида махсус тарифларни ўрнатилиш амалиёти мавжуд.

Аммо шуни қайд этиш керакки, мил-

лий иқтисодиётимизда бугунги кунда барча турдаги импорт қилинадиган товар позициялари бўйича бож тўловлари белгиланган эди (бож тўлови, ҚҚС ва акциз). Бунда 30 фоиздан ошмайдиган товар позициялари бўйича маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундай ҳаддан зиёд ҳимоя чоралари савдо тартиб-таомиллари мувозанатини бузади ҳамда нарх омиллари нафақат ички бозорда, балки экспорт товарлари қийматининг ҳам ошишига олиб келади. Шунинг учун маҳаллий экспорт қилувчилар рақобатдошлигини кучайтириш зарурати нуқтаи назардан ҳам барча турдаги товарлар позицияси бўйича бож тўловларини қайта кўриб чиқиш мақсадида мувофиқ саналади. Биз рақобатда қиёсий устунликка эга бўлган экспорт позициялари бўйича муайян муддатга импорт чекловларини сақлаб қолиш мақсадида мувофиқ. Аммо импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун чекловларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши вақт ўтиши билан тескари натижа бериши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим. Яъни экспорт қилувчилар ташқи бозордан ички бозорга ўз маҳсулотларини йўналтиришдан манфаатдор бўлади ва шу йўл билан экспорт ҳажмининг камайишига олиб келади.

Шулардан келиб чиқиб, қолаверса, Жаҳон савдо ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар қондаларига мувофиқ, аксарият ривожланаётган мамлакатлар сўнги йилги давомида импорт тарифларини қамайириш чораларини амалга ошириб келишди. Ривожланаётган давлатлар иқтисодий сибсатида экспортни рағбатлантиришнинг муқобил усуллари янада кўпроқ қўлланилмоқда. Мисол учун, инфратузилмани яхшилаш, телекоммуникацияни ривожлантириш, давлат, молия ва транспорт хизматлари сифатини ошириш пировардида экспорт қилинадиган товарларнинг ички транзакцион сарфини сезиларли даражада қамайириш имконини беради. Экспертлар фикрича, бундай ҳаракатлар маҳсулот таннархининг 30 фоизгача етади. Ушбу омил мамлакатимиз экспорт қилувчилари рақобатдошлигини ошириш учун ишга солинмаган муҳим захира ҳисобланади.

Бундан ташқари, юртимизнинг истикболда Жаҳон савдо ташкилотига алоҳида бўлишга интилишини инобатга оладиган бўлсак, ЖСТ аъзолари ўз миллий ишлаб чиқарувчиларини ҳимоя қилиш ҳамда экспортни рағбатлантириш учун фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган саноат сибсати механизмларини кўриб чиқиш талаб этилади.

Халқаро амалиётда ишлаб чиқаришнинг субсидиялаш, солиқ ва молиявий имтиёзлар бериш, давлат қаролати билан кредитлар ажратиш сингари молиявий воситалар кенг тарқалган. Улардан самарали фойдаланиш миллий экспортёрларнинг юқори даражада рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади. Моҳиятан юқорида саналган механизмлар ҳам ҳимоя чоралари ҳисобланади. Улар Тариф ва савдо бўйича бош битим классификациясида нотари протекционизм воситалари қаторига киритилган. Улар қарий ҳар баҳада қўлланилади.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш учун маҳаллий экспорт қилувчиларнинг ички рақобатини ривожлантириш лозим. ЖСТга аъзо-давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, рақобатга масъул институтлар ролини кучайтириш нуқтаи назаридан амалдаги "Рақобат тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқиш вақти келди. Қонуннинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришга оид қисмлари, айниқса, атрофлича кўриб чиқилиши лозим. Қонунда барча мақсад ва тамойиллар аниқ-равшан баён этилиши керак, рақобат муҳитини яратиш воситалари эса транспарент, очик-ошқора бўлмоғи ҳамда улар тўғридан-тўғри амал қилмоғи лозим.

XXI асрни рақобат бошқаради

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотлар кўп қиррали бўлиб, XXI асрнинг муваффақиятли ривожланаётган мамлақати учун самарали саноат сибсатини олиб боришга қаратилгандир. Маҳаллийлаштириш дастурлари миллий экспортнинг рақобатдошлигини таъминлашга доир чоралар билан уйғун равишда амалга оширилиши керак. Бунда экспорт фаолиятини йўлга қўйиш, уни назорат ҳамда мониторинг қилишнинг янги тизими жорий этилиши ва ишлаб чиқарилаётган "йўл хариталари" саноат равнақи ҳамда мамлакат рақобатдошлигини кучайтиришга хизмат қилади. Ҳукумат томонидан белги-ланадиган тартибга солуви қондалар эса импорт ўрнини қоплаш сибсатини экспортни кенгайтиришга йўналтириш имконини беради.

Шерофиддин НАЗАРОВ, Иқтисодий тадқиқотлар маркази директори, иқтисод фанлари доктори.



БИЗ ВА ЖАҲОН

Ўзбекистон ва Грузия халқлари ўртасида азалдан дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат қарор топган. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари ҳам кўп. Одамлари меҳнатсевар, тарихи гўзал ва бетакрор. Пулвикор тоғлари сўлим табиат, шифобахш сувлари унумдор тупроқлар, чин маънода, икки халққа тўхфа этилган инъомдир.

Ортимизнинг воҳадан водийгача узанган тоғларию тўрт фасл мужассам табиати қанчалик машҳур бўлса, Грузиянинг сўлим манзараларидан тортиб, Боржоми водийсининг шифобахш сувлари ҳам шунчалик донгдордир.

Ўзбекистон — Грузия:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов ўзбек халқини ўз халқидек эъзозлаб, юксакларга кўтарган бўлса, асарларида чин ватанпарварлик ҳамда мардликни тараннум қилиш учун грузин миллати вакиллари қадрамон этиб танлагани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўзбек ва грузин халқлари ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам маданий алоқалар тобора ривожланиб, тараққий топиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йилда ўзининг АҚШга ташрифи доирасида Грузия Бош вазири Георгий Квирицашвили билан учрашиб, ўзаро ҳамкорлик юзасидан мулоқот ўтказгани фикримиз далилидир.

Маълумки, Грузия Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижий мамлакатларнинг бозорларига олиб чиқиш учун му-

ҳим транзит давлат ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Грузияга автомобиллар, тўқимачилик ҳамда электр техникаси жиҳозлари экспорт қилиш билан бирга, Грузия йўллари орқали жаҳон бозорига чиқишдан манфаатдор.

Жорий йилнинг 22-23 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги мутасаддиларидан иборат ишчи гуруҳи Тбилисда бир қатор вазирликлар, идора ва компаниялар вакиллари билан учрашди. Ташриф мобайнида темир йўл соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, халқаро транспорт коридорларидан самарали фойдаланиш ҳамда икки давлат темир йўллари орқали транзит юкларини ташвиш қўйиштириш бўйича келишувларга эришилди. Ушбу музокараларнинг энг муҳим натижаларидан бири сифатида Грузия томонидан барча турдаги ўзбек маҳсулотларининг ташвиш ўтилиши учун 50 фойс чегрима тақдим этилгани таъкидлаш ўринли.

Заминимизда етиштирилаётган лимон кўчати 1932 йилда айнан Грузия мамлакатидан олиб келинган ва тажрибали боғбонларимиз томонидан иқлимимизга мослаштирилган ҳам бугун кўпчиликка аён бўлса керак. Шу билан бирга, Самарқанд вилоятининг бир нечта ҳудудида Грузия ноқлари, Греция олўри ҳамда шафтолиси, Хиндистоннинг данаксиз анорига, Чилидан олиб келинган кўпайтирилаётган ҳам айни ҳақиқат.

Шу ўринда яна бир гап. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соҳибкор, Давлат мукофоти соҳиб, фахрий академик Ризамат ота Мусамухамедов ўзининг ҳаёти ва фаолияти давомида узумнинг ўнлаб

навларини яратди, токни яшартириш усулини жорий қилди. Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудуди ҳамда қўшни давлатларнинг бир қатор туманларида, ҳатто Грузия ва Арманистонда ҳам минглаб гектар ерларда намунавий тоқзор ҳамда боғлар яратишга бош бўлгани ҳар қандай қишда фахр хиссини уйғотади. Ўзбек боғбонининг узум етиштириш усуллари бугунги кунда ҳам ўнлаб хорижий мамлакатларда эътироф этилиб, амалиётга киритилмоқда.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки адабиёт ва санъат йўналишида ҳам муҳим ўрин тутаяди, десак, тўғри бўлади. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Корнелий Кекелидзе номидаги Грузия Миллий кутубхонаси ҳамда ўзаро ҳамкорлик меморандумининг

имзоланиши кутубхона ва фонд ишини янада такомиллаштириш, тажриба алмашиш, миллий меросни ўрғанишга хизмат қилади. Эътиборли жиҳати, бу учрашувда Ўзбекистон Миллий кутубхонасига улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг Грузия Миллий кутубхонаси марказида сақланаётган кўлэмаларидан фотонусхалар тақдим этилди.

Ўзбекистонда ҳар йили Грузия маданияти кунлари ўтказилиб, унда ушбу миллатнинг кино, тасвирий санъат ҳамда бошқа кўплаб соҳалардаги янгилликлари юртдошларимизга ҳавола қилиб келинади.

Ўзбек адабиёти каби грузин адабиёти ҳам бой ва қадимий тарихга эга. Грузин ёзувчиларидан И. Чавчавадзе, Г. Мдивани, С. Чиковани, И. Абшидзе ҳамда бошқа ижодкорларнинг поэтик ва драматик асарлари М. Шайхзода, Уйғун, Миртемир, Р. Бобоқон таржималарида ўзбек кутубхоналари қалбига йўл топди. Грузияда ҳам Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидовнинг повесть ҳамда романлари, Гафур Фулом, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом каби шоир адибларнинг поэтик асарлари таржима қилиниб, нашр этирилгани қувонарли ҳолдир.

Умуман, икки халқнинг ҳам буюк тарихини, миллатлар ўртасидаги самимий муносабатларни боғлаб турадиган узвий ришталар борлиги, улар йиллар давомида ривожланиб, шаклланиб бораверади.

Ориф НИҒМАТОВ, «Ўзбекистон — Грузия» дўстлик жамияти аъзоси.

Санитария тизими ва технологияларини такомиллаштиришда Швейцария тажрибаси

Пойтахтимизда Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, "Eawag" илмий-тектириш маркази ҳамда Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан "Кичик санитария тизимлари учун санитар ва техник ечим масалалари" мавзuida семинар-тренинг ўтказилди.

АНЖУМАН

Унда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Инновацион ривожланиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилот ҳокимликлари ҳамда бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Маълумки, аҳоли саломамлигини сақлаш, турмуш фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири — мамлакатда санитария-эпидемиологик ҳолатни яхшилашдир. Ортимизда туризм соҳасини жадал ривожлантириш режалаштирилаётган бугунги кунда мазкур масала янада кўпроқ аҳамиятга эга. Бироқ бу борада ҳали ечимини қутаётган муаммолар мавжуд. Семинар давомида ушбу масалалар хорижий мутахассислар билан бирга ўрганилди.

Тренинг доирасида Швейцариядаги "Eawag" илмий-тектириш маркази мутахассислари томонидан тайёрланган "Санитария тизими ва технологиялари ҳақида маълумотнома" номи тўпلام тақдими ҳам бўлиб ўтди. Мазкур қўлланма дастлаб 2008 йилда чоп этилиб, кўплаб давлатларда шўхрат қозongan. Унда келтирилган

услуглар бир неча давлатларда қўлланилиб, ўзининг ижобий самарасини бера бошлаган. Энди у ўзбек мутахассислари ўрганиши учун қайта нашр қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Санитария масаласи Ўзбекистон учун жуда муҳим, — дейди Швейцариянинг Ўзбекистондаги Факултетада ва мухтор элчиси Оливье Шав. — Бу йўналишда тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорлик изчил ривожлантирилади. "Санитария тизими ва технологиялари ҳақида маълумотнома" да айни дамда ҳал этилиши кўтилаётган муаммоларнинг 57 турдаги самарали ечимлари тақдим қилинган. Уларни Ўзбекистоннинг барча ҳудудида жорий этиш орқали кўтилган натижага эришиш мумкин.

Анжуман якунида 2030 йилгача марказлашган канализация тизимини реконструкция қилиш режалаштирилгани таъкидланди. Тақдими ўтказилган тўпلامнинг электрон нусхаси интернетга жойлаштирилиб, ундаги методларни аҳоли қўллаши мумкинлиги борасида тақлифлар билдирилди.

Дилшодбону ДИШВАЛБОВА.

Муқаддас қадамжолар ободонлаштирилмоқда

Хоразм вилоятида муқаддас қадамжоларнинг ободонлаштирилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

— Давлатимиз раҳбари ўтган йилида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Хивадаги Пахлавон Махмуд зиёратгоҳини обод қилиш бўйича топшириқлар берган эди, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти бўлими "Пахлавон Махмуд" зиёратгоҳи раҳбари Алихон Матқубов. — Айни кунда бу ерда кенг қўламли таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

XIX аср бошларида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон даврида қурилиши бошланган, 1825 йилда Оллоқулихон томонидан битказилган ушбу обода қайта таъмирлаш ишларидан кейин янгича қиёфа касб этиб, сайёҳлар эътиборини тор-

тадиган фусунгор мейморий иншоотлардан бирига айланади.

Зиёрат туризмининг ривожлантириш тадбирлари доирасида Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳида лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўм бўлган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу кунларда вилоятда Ўзбекистон мусулмонлари идораси хузуридаги Муқаддас қадамжоларни сақлаш ва обод этиш хайрия жамғармаси ҳамда ҳомийлар ҳисобидан 2018-2019 йиллар давомида реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бажариладиган эски масжидлар рўйхати ҳам шакллантирилмоқда.

Одилбек ОДАМБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эзгу анъаналарга уйғун ташаббус

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— "Обод қишлоқ" дастури амалга оширилганга қадар жомликлар электр энергияси таъминотидаги доимий узилишлардан қийналишаётгани, — дейди Каттакўрғон шаҳридаги "МК-12" МЧЖ бош муҳандиси Зоҳир Мингбоев. — Ҳозирги вақтда мазкур аҳоли яшаш пунктига электр узатиш линияси тортилди. 26 километрлик ички коммунал тармоқини ётқириш ишлари бошланди. Бунда барча эскирган симбўчлар янги-янги алмаштирилмоқда. Янги трансформаторлар ўрнатилаяпти. Режалаштирилган ишлар якунланганидан сўнг Жом аҳолиси барқарор электр таъминотига эга бўлади.

Қарий ярқасин аҳолига келиб қолган ички йўллар Жомнинг жиддий муаммоларидан яна биридир.

— Қишлоқнинг беш километр масофадан ортқ асосий ва 20 километрдан зиёд ички йўллари таъмирлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Самарқанд вилояти ҳудудий бош бошқармаси бош муҳандиси Рауф Исоқов. — Ушбу жараёнга 20 дан ортқ техника воситалари жалб этилган. Эътиборли жиҳати, йўллар замонавий

талаблар асосида таъмирланмоқда. Ишончимиз қомилки, бу каби кенг қўламли сайёҳаракатлар қисқа муддатда мазкур чекка қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартиради.

Бугун Жом — Самарқанд вилоятининг энг йирик қурилиш майдонига айланган. Бир вақтнинг ўзида уйлар таъмирланаяпти. Давлат ҳамда хусусий мутабоқча таълим муассасаларини бунёд қилиш бошлаб юборилди. Сув ва газ таъминоти тизими бутунлай янгиланмоқда. Ҳар бир маҳалладаги пала-портш қуриб ташланган, ҳудуднинг умумий манзаросига ярашмоқда тураржойлар бугунги меъморчилик талабларига мослаштирилаяпти. Кўчалар ободонлаштирилиб, манзарали дорахтлар экилаётир.

Қишлоқни комплекс ободонлаштиришда оқсоқоллар, ёшлар, вилоятнинг бошқа туманларидан келган хашарчилар фаол иштирок этаётгани эътиборлидир.

Нуробод туманида "Обод қишлоқ" лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ижтимоий дастурларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, тураржойга муҳтож оилалар учун замонавий уйлар қурилади. Қам таъминланган хонадонларга газ плиталари ҳамда бошқа маиший техника воситалари олиб берилди. Шунингдек, аҳолига қорамол, мевали дарахт кўчатларини ётқазиб бериш бўйича ҳам аниқ

чора-тадбирлар белгилаб олинди. Кўплаб жомлик хотин-қизларга тикув машиналари тақдим қилинди. Улар касаначилик асосида ишга жалб этилиб, оилалари даромади-

ни янада ошириш имкониятига эга бўлишди.

Қисқача айтганда, ушбу ижтимоий ташаббус юртдошларимизни мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасини обод қилиш гоёси атрофида бириктирадиган умуммиллий ҳаракатга айланиб бормоқда. Одамларнинг дунёқараши ўзгараляпти. Ўз жонажон маҳалласига, таъбир жоиз бўлса, Ватанига дахлдорлик ҳисси юксалмоқда. Бундай амалий сайёҳаракатлар пиروвардида юртимизнинг олис қишлоқларидан бири бўлган Жомни вилоятдаги обод ва файзли манзиллардан бирига айлантиради.

Ринат АБДУЛМАНОВ.

Матбаа соҳасида инновация

Мамлакатимизда нашриётлар ва матбаа корхоналари замон талабларига мос равишда ривожлантирилмоқда. Китоблар ҳамда бошқа босма маҳсулотлар халқаро стандартларга мос замонавий технологиялар асосида тайёрланаёпти.

ТАДБИР

Соҳада халқаро ҳамкорлик қўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Ортимизда фаолият юритаётган нашриёт ва матбаа корхоналари ўз маҳсулотлари билан жаҳоннинг турли давлатларида ўтказилаётган нуфузли танлов ҳамда форумларда муваффақиятли иштирок этиб қайтмоқда.

2018 йил 14-15 март кунлари Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "A2 Digital" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинаётган "Инновацион технологияларнинг янги қирралари" шиори остидаги I Халқаро матбаа форуми соҳада халқаро алоқаларни янада кенгайтириш, кадрлар салоҳияти ҳамда малакасини юксалтириш, матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, уларнинг хориж бозорларига чиқиши ва рақобатдошлигини оширишда қўлай имко-

ниятлар яратиши билан аҳамиятлидир. Унда Америка Қўшма Штатлари, Россия, Германия, Исроил, шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан йирик матбаа корхоналарининг вакиллари катнашади.

Форум доирасида Ўзбекистонда матбаачилик соҳасига татбиқ этилган инновацион технологиялар ҳамда эришилган натижалар, соҳанинг истиқболдаги ривожланиш тенденциялари хусусида назарий ва амалий мулоқотлар, тақдиротлар, учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган. "Инновацион технологияларнинг янги қирралари" I Халқаро матбаа форумида иштирок этиш истагида бўлганлар www.iforum.uz манзили орқали рўйхатдан ўтишлари, шунингдек, мазкур форум билан боғлиқ барча маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

World Rankings Freestyle - March 2018. Table with 10 columns of athlete names and photos: T. TSEVEENSUREN (MGL), A. RAKHMONOV (UZB), D. NYAZBEKOV (KAZ), O. JOHN (NGR), M. GANZORIG (MGL), R. KURBANOV (UZB), H. YAZDANICHAHATI (IRI), T. LUYSDANNOORJ (MGL), M. IBRAGIMOV (UZB), Z. NATASSUREN (MGL).

Полвонларимиз дунё рейтингда пешқадам

Бирлашган кураш дунёси халқаро ассоциацияси жаҳон спортчиларининг янги рейтингини эълон қилди.

Эътиборли жиҳати, унда уч нафар эркин курашчимиз — Аббос Раҳмонов (-61кг.), Рашид Курбонов (-79кг.) ҳамда Магомед Ибрагимов (-97кг.) ўз вазн тоифасида биринчи ўринга кўтарилиб олди. Яқинда Киргизистонда спорт курашлари бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Аббос Раҳмонов бронза, Рашид Курбонов кумуш, Магомед Ибрагимов эса олтин медални қўлга киритганди.

Қишки Паралимпия ўйинлари старт олди

9 март куни Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида XII қишки Паралимпия ўйинлари бошланди.

18 мартгача давом этадиган ушбу спорт байрамидан дунёнинг 49 мамлакатидан 570 нафар қишки паралимпиячлар катнашади. Атлетлар спортнинг олти тури бўйича 80 та медалга жамламаси учун кураш олиб боради. Жумладан, Ўзбекистон шарафини

чанғи пойғаларида Ёқутхон Холбекова ҳимоя қилади. Ҳамкоримизнинг илк чиқиши 12 март кунига мўлжалланган бўлиб, у 15 километрлик масофада рақиблари билан куч синашади. 14 март куни Ёқутхон 1,5 километрга спринт, 17 март эса 7,5 километрга классик пойға баҳсларида иштирок этади.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Олий суд: Йигирма йиллик низо ниҳоят ҳал этилди

Фуқаролар ўртасида келиб чиққан уй-жой билан боғлиқ низога нах 20 йил давомида ечим топилмас-я?! Бу ҳақда эшитган одам борки, ҳайрон қолиши, ёқасини ушлаши табиий.

Келинг, аввало, ўша низо қандай келиб чиққанини билдирсак. Гап шундаки, Бешарик тумани, Рапқон қишлоғида яшаган Ҳўкуматой Фаниева 1998 йил 17 сентябрда ўзи яшаб турган уйни Ш. Қодировга сотди. Аммо у ернинг 10 сотихи ўли Одижон Фаниевага ўтказилганда, уйни сотишга розилигини баён қилиб, тилхат ёзиб берган. Лекин бу тилхат суд жараёнида эътибордан четда қолиб келди.

СУД ҲИМОЯСИДА

Орадан 2 йил ўтиб-ўтмай, она-хон вафот этади. Воқеалар ривожига кўра, 2013 йил мартда Ш. Қодиров номига кадастр хужжати тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилади ва низоли уй-жойнинг мулкига айланади. Одижон Фаниев эса шу ерда ўй ҳамда бошқа қўшимча иморатлар қуриб яшаида давом этади.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 2017 йил 24 майдаги ҳал қилув қарори билан Ш. Қодиров даввоси қаноатлантирилиб, Фаниевлар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган хоналарни буздириш ва уларнинг бу

уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилиб, мажбурий тартибда қўчириш белгиланади. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти суди апелляция инстанциясининг 2017 йил 26 сентябрдаги ажрими билан суднинг мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилади.

Низо эса тобора чигаллашиб бораверади. Яъни тарафлар ўзаро мурося йўлини танламайди. Булардан безган О. Фаниев Олий судга мурожаат этиб, 4 нафар фарзанди ҳамда келини билан уйсиз қолаётганини билдирди. Айни чоғда онасининг тилхати ва 7 нафар туғишганагарининг уйда улуши борлигини баён

қилади. Шунга мувофиқ, ушбу иш Олий судда ўрганилиб, суд қарорларининг Фаниевларни уйдан қўчириш ҳамда қурилган иморатларни буздириш ҳақидаги қисмини бекор қилиш ва шу қисмини янгидан қўриш ҳақида Олий суд раиси ўринбосари томонидан протест келтирилди.

— Низоли адолатли ҳамда қонуний ҳал этиш мақсадида жорий йилнинг 23 февралда Рапқон қишлоғига бордик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Холмуҳаммад Едгоров. — Туман прокурори, ер ресурслари ва кадастр хизмати вакиллари иштирокида тарафлар билан суҳбатлашдик. Уйни кўздан кечириб, тарафлар ҳамда уларнинг оила аъзоларида ҳуқуқини тушунтириш бораборида, мазкур масалани келишув йўли билан ҳал қилишни тақлиф этдик. Натижада даъвогар Одижон Фаниевнинг ишончли вакили Гўлчехрадан О. Фаниева ва Шарофиддин Қодиров ўртасида келишув битими тузилиб, тасдиқлаш учун тақдим қилинди. Унга биноан, ҳовли икки қисмга бўлиниб, ер майдонининг 10,23 сотих қисми ҳамда уй-жойлар О. Фаниев оиласига берилди,



шунингдек, 12 сотихли ер майдони ва ундаги уй-жой Шарофиддин Қодиров оиласи эғалигига ўтиши белгиланди. Шундай қилиб, узоқ йиллардан буён давом этиб келаяётган моҳоро барҳам топди, икки оила вакиллари эса енгил тин олди. Бу билан демократизм, агар масала ётиги билан тушунтирилса, одамлар тушунади. Зеро, биз ер таллашишдан ор қиладиган элнинг фарзандларимиз.

Умуман, судьялар ва давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамкорлигида 2017 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 5 мингдан зиёд фуқаролик низолари тарафларни яраштириш орқали ижобий ечим топди.

Зоҳир ҲУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш борасидаги ислохотлар қўламини тобора кенгаймоқда. Натижада мазкур саноат-хўжалик тармақлари энг чекка ҳудудларга кириб бориб, одамларнинг ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқараяпти. Тадбиркорларга қўлайликлар яратиб, мавжуд тўсиқлар бартараф этилаётгани, солиқ ва бошқа тўловларда энгилликлар берилётгани улар ишига унум бағишламоқда. Бинобарин, бундай омиллар

ни бартараф этишда қўл келади. Қолаверса, балиқ эндокрин хасталиклари профилактикасида ҳам айни муддаодир. Балиқ уни ва мойи фармацевтика ҳамда омикта емо саноати учун муҳим хом ашё саналади. Тиббиётчилар фикрича, инсон бир йил давомида ўртача 12 — 16 килограмм балиқ ва балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши лозим. Бундан кўра, балиқчилик ривожини ҳар хилдан фойдаландир.

Чиндан ҳам, компания технологиялари қўлайлиги ва замонавийлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди пойтахтимиздаги "Stadion Stroy" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Мухаммадали Пулатов. — Унинг ёрдамида садок турларини, интенсив боғларни ҳимоя қилувчи воситаларни ўзимизда ишлаб чиқариши имконияти вужудга келди. Ваҳоланки, улар четдан импорт қилинарди. Айни пайтда биз шундай пишиқ ва сифатли маҳсулотла-

— Худудимиз иқлими балиқчилик учун анча қўлай, — дейди вилоятдаги "Ахаджон Акбарович" фермер хўжалиги раҳбари Акбар Темиров. — Бу йил "Янгиқўрғон" сув омборига ўрнатилган 30 донна садокда "Венгар карпи" деб номланган балиқ чавоқларини кўпайтираёلمиз. Ушбу балиқнинг ҳар бири 1-1,5 килограмм тош босади. Келгусида "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси кўмаги билан яна 50 та садок сотиб олмақчимиз.

«IПОТЕКА LEASING» — ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 декабрда Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Охириги 20 йилда эътибордан четда қолган яна бир тармоқ — балиқчилик соҳасини тиклаш учун "Ўзбек-балиқсаноат" уюшмаси ташкил этилди. Унинг тизимига 3 минг 600 та балиқчилик хўжалиги киритилди. Жорий йилда 580 минг гектар майдондаги табиий ва 28 минг гектар сунъий қўлларда 100 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Вьетнам ва Хитой технологияси асосида интенсив усулда балиқ етиштириш, уни кўпайтириш, балиқ озуқаси ишлаб чиқариш борасида ушбу мамлакатлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди", деб айтиб ўтган эди.

Дарҳақиқат, эндиликда илгари унчалик аҳамият берилмаган тармоқларни ривожлантириш, ҳар бир соҳага илгор ишланмаларни татиқ этиш давр талабига айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари қишлоқ хўжалигини тубдан

йил апрель ойида Самарқанд вилоятига ташириш давомида "Ипотекабанк" акциядорлик тижорат ипотeka банкига тадбиркорларга, хусусан, балиқчилик билан шуғулланаётган хўжаликларга хизмат кўрсатиш мақсадида махсус лизинг компаниясини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди. Шундан келиб чиқиб, "Ипотекабанк" АТББ қошида "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда лизинг компанияси томонидан балиқчилик хўжаликларига

римизни балиқчиликка ихтисослаштирилган субъектларга мақбул нархларда етказиб бераёلمиз. Қолаверса, бу орқали 20 нафардан ортиқ ёшларни доимий иш билан таъминладиқ.

Эркинлик — тараққиёт омили. Шу маънода, иқтисодиётдаги эркинлик ва қўлай шарт-шароитлар ишбилармонликни жадал ривожлантириш, ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, ташқи бозорларга чиқиш ҳамда халқаро алоқаларни кенгайтириш омилидир.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташириш чоғида балиқ, туҳум, гўшт сингари муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, умуман, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида берилётган тақлиф ва тавсиялари шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айнан Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси ҳудудларда ўз ҳамкорларини топиб, кўмак бермоқда. Бу ҳали бошланиши. Олдинда рўёбга чиқарилиши зарур бўлган истикболли лойиҳалар кўп. Балиқлар учун сифатли омикта ем ишлаб чиқарувчи, ёпиқ сув айланма тизими учун зарур технологияларни омма-лаштириш шулар сирасидандир.

Яна бир гап. Компания балиқчиликка ихтисослаштирилган корхоналарга нафақат технологиялари билан, балки балиқларни парваришлаш, кўпайтириш борасида ҳам зарур маслаҳатлари орқали ёрдам беради. Уларни ушбу йўналишдаги илгор тажрибалар билан таништиради.

Қисқача айтганда, "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси жамоаси мамлакатимизда кечаётган иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиб, намунали хизматлари билан миждозлар ишончига сазовор бўлмоқда. Муҳими, ўзаро ҳамкорлик икки томон учун яхши манфаат келтираётир.

Бугунги кучли рақобат шароитида эришилган натижалар билан қаноатланган бўлмайдими. Шундай экан, лизинг компанияси мутахассислари балиқчилик соҳасида мақсадли лойиҳаларни рўёбга чиқариш, иқтисодиётнинг локомотиви сифатида эътироф этилаётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга жоран андозалари даражасида хизмат кўрсатиш чораларини кўраверади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Корхона раҳбарлари ва балиқчилик соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар диққатига!

«IПОТЕКА LEASING» ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ қуйидаги лизинг турларини тақлиф қилади:

- балиқни қайта ишлаш технологиялари;
- садок;
- ускуналар;
- қишлоқ хўжалиги техникалари;
- махсус техникалар;
- кўчмас мулк ва автомашиналар.

Бериладиган муддат — 13 ойдан 60 ойгача.

- Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй.
- Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 150-48-73, 150-48-71.

Хизматлар лицензияланган.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

садоклар (қафас мосламаси)ни лизингга бериш, тармоққа хорижий техника ва технологияларни жалб этиш орқали ҳосилдорликни ошириш борасидаги ишларга жиддий киришилмоқда. Яъни унинг мутахассислари республикамиз бўйича соҳа вакиллари керакли асбоб-ускуналар, технологияларни етказиб бериш лойиҳаларини чуқур ўрганмоқдалар. Шу билан бирга, Андижон вилоятидаги "Valley Fish", Наманган вилоятидаги "Chubby Rabbits", Қашқадарё вилоятидаги "Ахаджон Акбарович" каби бир қатор балиқчилик хўжаликларига фаолиятини кенгайтириш юзасидан амалий кўмак берилди.

Тадбиркорлик ташаббус ва амалий ҳаракатга таянади. Яъни қачонки, ушбу икки омил уйғунлашса, ўзининг юқори самарасини кўрсатади. "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси ишбилармонларнинг ана шундай мақсадларини рўёбга чиқариш учун молиявий хизматини, яъни энг сўнгги асбоб-ускуналар тақлиф қилаётгани ҳамкорлик мустақам-ланишида асқатаёпти. Масалан, мамлакатимизда янгилик бўлган садок учун тур тўқишга мўлжалланган технологияга тадбиркорлар қизиқиши юқори. Чунки у сарф-харажатларни қисқартриш баробарида, маҳсулдорликни кескин кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

— "Интиланганга толе ёр", — дейди Наманган вилоятидаги "Chubby Rabbits" хусусий корхонаси раҳбари Фотима Мамажонова. — Ҳар қандай ишни ривожлантириш учун нафақат кунт ва эътибор, балки сармоа ҳам керак. Тадбиркорликка маблағсиз қўл уриш булутсиз осмондан ёмғир кутишдек гап.

Оммавий ахборот воситаларида "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси очилгани ҳақидаги эълонни ўқиб, дарҳол мазкур ташкилот мутахассислари билан телефон орқали боғланиб, хизмат турлари билан яқиндан танишдим. Маълум келди. Натижада компаниядан балиқчилик технологиялари харид қилиб, фаолиятимизни кенгайтиришга муваффақ бўлдик.

Ҳозирги кунда "Резаксой" сув омборига ўрнатилган 160 дан ортиқ садокларда чавоқ парваришляёلمиз. Насиб қилса, 160 тоннадан ортироқ балиқ олишни мўлжаллаб турибмиз. Яқин келажақда балиқни қайта ишлаб, тайёр ва яримтайёр маҳсулотларни экспорт қилишни йўлга қўйиш ниятидамиз. Бунда ҳам "Ipoteka Leasing" лизинг компанияси асосий ҳамкоримиз бўлади, албатта.

Балиқчилик билан шуғулланиб, элимиз дастурхонига сифатли балиқ маҳсулотлари етказиб беришда қашқадарёлик тадбиркорлар ҳам фаол.

2017/2018 йўқув йилида Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг битирувчилари тўғрисида маълумот

| Т/р | Номи | Жами битирувчилар сони | Шу жумладан | Вилоятлар кесимида | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---------------------|---|------------------------|-------------|--------------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|------------------|-------------------|--------------------|-----------------|-----------------|-----------------|----------------|-------------------|---------------|-----------|----------|----------|----------|----------|----------|-----------|----------|-----------|----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| | | | | Коракалпо-ғистон Рес-публикаси | Андижон вилояти | Бухоро вилояти | Жиззах вилояти | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Қашқадарё вилояти | Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | |
| БАКАЛАВРИАТ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Касб таълими: дизайн (интерьерни лойиҳалаш) | 17 | 4 | 13 | | | | | | | | | | | | | | | 5 | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Касб таълими: дизайн (либос дизайни ва газламаларнинг бадий ечими) | 25 | 5 | 20 | | | | | | | | | | | | | | | 12 | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Касб таълими: рангтаъсвир (дастгоҳли) | 11 | 2 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Санъатшунослик (тасвирий ва амалий санъат) | 39 | 8 | 31 | | | | | | | | | | | | | | | 12 | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Санъатшунослик (музей иши ва маданий мерос объектларини сақлаш) | 31 | 7 | 24 | | | | | | | | | | | | | | | 8 | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Рангтаъсвир: дастгоҳли рангтаъсвир | 20 | 6 | 14 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Рангтаъсвир (маҳобатли рангтаъсвир) | 17 | 8 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Рангтаъсвир (театр-безак рангтаъсвири) | 8 | 4 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Рангтаъсвир (фильмнинг тасвирий ечими) | 9 | 3 | 6 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 10. | Дизайн (интерьерни лойиҳалаш) | 13 | 5 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | 5 | | | | | | | | | | | | | |
| 11. | Дизайн (компьютер графикаси ва бадий фото) | 16 | 4 | 12 | | | | | | | | | | | | | | | 5 | | | | | | | | | | | | | |
| 12. | Дизайн (либос ва газламалар) | 32 | 6 | 26 | | | | | | | | | | | | | | | 17 | | | | | | | | | | | | | |
| 13. | Дизайн (реклама ва амалий графика) | 13 | 4 | 9 | | | | | | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | | | | | | | |
| 14. | Графика (дастгоҳ ва китоб графикаси) | 16 | 5 | 11 | | | | | | | | | | | | | | | 6 | | | | | | | | | | | | | |
| 15. | Графика (хаттотлик ва миниатюра) | 12 | 4 | 8 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 16. | Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича) | 13 | 2 | 11 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 17. | Амалий санъат: амалий санъат асарларини таъмирлаш | 7 | 1 | 6 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 18. | Амалий санъат (бадий кулолик) | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 19. | Амалий санъат (меъморий ёдгорликлар беази) | 6 | 2 | 4 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами | 311 | 82 | 229 | 1 | 1 | 0 | 4 | 6 | 9 | 0 | 5 | 3 | 10 | 4 | 6 | 4 | 15 | 3 | 8 | 1 | 5 | 5 | 31 | 5 | 10 | 5 | 11 | 10 | 19 | 35 | 95 |
| МАГИСТРАТУРА | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1. | Санъат назарияси ва тарихи (тасвирий ва амалий санъат) | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | Музейшунослик, тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 3. | Рангтаъсвир (дастгоҳли) | 6 | 1 | 5 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 4. | Кино ва телефильмнинг тасвирий ечими | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 5. | Мультифильм ва компьютер мультипликацияси | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | |
| 6. | Дизайн (либос ва газламалар) | 4 | 1 | 3 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 7. | Ҳайкалтарошлик (турлари бўйича) | 2 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | | | | | | | | |
| 8. | Тасвирий ва амалий безак санъати | 3 | 1 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 9. | Санъат асарлари ва меъморий ёдгорликларни таъмирлаш | 2 | 2 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами | 30 | 10 | 20 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 3 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 10 | | |

Изоҳ: г — давлат гранти асосида битирувчилар, ш — тўлов-шартнома асосида битирувчилар.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй. Телефонлар: (0-371) 255-96-67, 255-92-18, (+99891) 190-83-00.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бўйртма Г — 345. 139 973 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоен келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлаймалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. **Навбатчи муҳаррир** — Ф. Бутаев. **Навбатчи** — Ю. Бурунов. **Мусахҳиш** — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5